



E-ISSN 2181-1466

9 772181 146004



ISSN 2181-6875

9 772181 687004



@buxdu\_uz



@buxdu1



@buxdu1



www.buxdu.uz

5/2022

Научный вестник Бухарского государственного университета  
Scientific reports of Bukhara State University



# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



5/2022

**PUBLISHED  
SINCE 2000  
(Online since 2020)**

**PUBLISHED SIX  
TIMES A YEAR**

**2022/5(93)**

**CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD:**

**Khamidov O.Kh.**

Doctor of Economics, Professor

**EDITOR-IN-CHIEF:**

**Rasulov T.Kh.**

Doctor of Physics and Mathematics, Docent

**INTERNATIONAL EDITORIAL BOARD:**

**Kuzmichev N.D. (Russia)**

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

**Danova M. (Bulgaria)**

Doctor of Philology, Professor

**Margianti SE. (Indonesia)**

Doctor of Economics, Professor

**Wünsch Th. (Germany)**

History of E.Europe Dr. of phil. habil, Professor

**Minin V.V. (Russia)**

Doctor of Chemical Sciences

**Tashkaraev R.A. (Kazakhstan)**

Doctor of Technical Sciences

**Muminov M.E. (Malaysia)**

Candidate of Physics and Mathematics

**Srivastava P.K. (India)**

American and English Literature PhD in English

**NATIONAL EDITORIAL BOARD:**

**Adizov B.R.**

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

(Deputy Editor-in-Chief)

**Abuzalova M.K.**

Doctor of Philological sciences, Professor

**Amonov M.R.**

Doctor of Technical sciences, Professor

**Barotov Sh.R.**

Doctor of Psychological sciences, Professor

**Bakoyeva M.K.**

Doctor of Philological sciences

**Buriyev S.B.**

Doctor of biological sciences, professor

**Djurayev D.R.**

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

**Durdiyev D.K.**

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

**Olimov Sh.Sh.**

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

**Kakhkhorov S.K.**

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

**Umarov B.B.**

Doctor of Chemical sciences, Professor

**Urayeva D.S.**

Doctor of Philological sciences, Professor

**Rashidov O.R.**

Doctor of Historical sciences, Docent

**Zaripov G.T.**

Candidate of technical sciences, Docent

**DEPUTY EDITORS-IN-CHIEF:**

**Navruz-zoda B.N.**

Doctor of Economics, Professor

**Turayev H.H.**

Doctor of Historical sciences, Professor

**Juraev N.K.**

Doctor of Political sciences, Professor

**Jumaev R.G.**

PhD in Political sciences, Docent

**Kuvvatova D.Kh.**

Doctor of Philological sciences, Professor

**Akhmedova Sh. N.**

Doctor of Philological sciences, Professor

## **SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY**

**\*\*\***

### **BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI**

**\*\*\***

### **НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

*The journal is published in the Bukhara  
Regional Department of Press and  
Information of the Press and Information  
Agency of Uzbekistan on August 24, 2020  
With registered certificate № 1103*

*The journal "Scientific reports of Bukhara  
state university" is included in the list of  
scientific publications recommended to  
publish the main scientific results of  
doctoral dissertations of the Higher  
Attestation Commission under the  
Cabinet of Ministers of the Republic of  
Uzbekistan on philology and physical and  
mathematical sciences.*

*The journal is intended for professors  
and teachers of higher educational  
institutions, senior researchers, students,  
scientific staff of scientific research  
institutions, teachers of academic  
lyceums, professional colleges, as well as  
researchers in general secondary  
education and various fields.*

### **Founder: BUKHARA STATE UNIVERSITY**

**Executive secretary:**

**Sayfullaeva N.Z.**

**Doctor of Philosophy in  
Pedagogical Sciences (PhD)**

**Editor: Sobirova Z.R.**

**Department technicians:**

**Shirinova M.Sh.**

**Raximova S.M.**

## MUNDARIJA

|                                             |                                                                                                               |     |
|---------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Tursunov A.R.</b>                        | Morphological stages of word formation                                                                        | 104 |
| <b>Ubaydullayeva D.F.</b>                   | The problems in comprehension of english morphology in the process of cesond language acquisition             | 107 |
| <b>Йўлдашева Х.Қ.</b>                       | Тилшуносликда бадий матни соционпрагматик аспектда тадқиқ этишининг долзарб муаммолари                        | 113 |
| <b>LITERARY CRITICISM</b>                   |                                                                                                               |     |
| <b>Касимова Р.Р.</b>                        | Таржимашунослик истиқболлари: интертекстуаллик ва мутаржим фаолиятига қўйиладиган талаблар                    | 116 |
| <b>Қосимова Н.Ф.,<br/>Карбозова Г.К.</b>    | Таржимани оптималлаштиришнинг когнитив механизмлари                                                           | 123 |
| <b>Рўзиев Н.Қ.</b>                          | Ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг жанр ҳамда тил хусусиятларини инглизча таржимада сақлаш маҳорати          | 127 |
| <b>Касимова Р.Р.,<br/>Рўзимуродова З.Ғ.</b> | Таржимашунослик тарихи, тараққиёти, турлари ва моделлари                                                      | 133 |
| <b>Khudayberdiyev A.A.</b>                  | The artistic concepts of "Homeland" and "Nation" in the works of Siraj ud-din Sidki                           | 140 |
| <b>Ganieva O.Kh.</b>                        | “East of Eden” романида қаҳрамонлар хулқ-атвориға жамият фикрининг таъсири                                    | 146 |
| <b>Mizrabova J.I.</b>                       | Kalambur semantik xususiyatlarini tarjimada aks ettirishdagi o'ziga xosliklar (u.shekspir pyesalari misolida) | 150 |
| <b>Choriyeva M.Q.</b>                       | Abdurahmon Tamkin Buxoro adabiy muhitining yirik vakili                                                       | 159 |
| <b>Сафарова З.Т.</b>                        | Тарбия романларида готик роман элементлари таҳлили                                                            | 165 |
| <b>Садуллаев Ф.Б.</b>                       | XX аср АҚШ модерн адабиётининг тарихий ҳамда ижтимоий негизлари                                               | 171 |
| <b>“NAVOIY GULSHANI”</b>                    |                                                                                                               |     |
| <b>Бекова Н.Ж.</b>                          | Азал ҳам сен, абад ҳам сен...                                                                                 | 177 |
| <b>ECONOMICS</b>                            |                                                                                                               |     |
| <b>Zang Hongyan</b>                         | A case study on international scientific and technological cooperation between China and Uzbekistan           | 181 |
|                                             |                                                                                                               |     |
| <b>Рашидов О.Р.</b>                         | XX асрнинг 30-йилларида ўзбек зиёлиларининг қатағон этилиши                                                   | 186 |

**ТАРЖИМАШУНОСЛИК ТАРИХИ, ТАРАҚҚИЁТИ,  
ТУРЛАРИ ВА МОДЕЛЛАРИ**

**Касимова Раъно Раҳматуллоевна,**  
Бухоро давлат университети докторанти,  
ф. ф. ф. д. (PhD), доцент  
(e-mail: ranokasimova77@mail.ru)

**Рўзимуродова Зарифа Гофуровна,**  
Бухоро давлат Педагогика институти ўқитувчиси  
(e-mail: [zarifaruzimurodova90@gmail.com](mailto:zarifaruzimurodova90@gmail.com))

**Аннотация.** Ушбу мақолада таржимашуносликнинг моделлари, турлари, тараққиёти ва тарихи, таржимашуносликда интертекстуаллик назарияси ва психология хусусидаги фикрлар назарий ва илмий асосларда ёритилган. Таржиманинг фан сифатида шаклланиш тадрижийлиги кўп асрлик тарихга эга ва бу ўз навбатида Европа ва Осиё халқлари тарихи ҳамда анъаналарига бевосита боғлиқ. Бундан ташқари мақолада психологиянинг таржимашунослик ва адабиётлик фанлари билан узвийлиги ҳақида мулоҳазалар юритилган.

**Калит сўзлар:** ўзгарувчан модел, қийсий модел, жараён модели, “тилмоч”, тарихий, фалсафий, адабий ва бадий асарлар, “долметечен”, семантика, белгилануслик (семиотика), таржима танқиди, прагматика ва когнитив лингвистика.

**Аннотация.** В этой статье на теоретических и научных основаниях рассматриваются модели, типы, развитие и история переводоведения, а также анализируется теория интертекстуальности и психологии в переводоведении. Эволюционный характер становления перевода как науки имеет многовековую историю, а это, в свою очередь, напрямую зависит от истории и традиций народов Европы и Азии. Кроме того, в статье содержатся размышления об интеграции психологии с дисциплинами переводоведения и литературы.

**Ключевые слова:** вариативная модель, сравнительная модель, модель процесса, “тилмоч (языковед)”, исторические, философские, литературные и художественные произведения, “долметечен”, семантика, семиотика, переводческая критика, прагматика и когнитивная лингвистика.

**Abstract.** The article examines models, types, development and history of translation studies, as well as the theory of intertextuality and psychology in the translation studies on theoretical and scientific grounds. The evolutionary nature of the formation of translation as a science has a centuries-old history, and this, in turn, directly depends on the history and traditions of the people of Europe and Asia. In addition, the article contains reflections on the integrity of psychology with the disciplines of translation studies and literature.

**Keywords:** variative model, comparative model, process model, “tilmoch (linguist)”, historical, philosophical, literary and artistic works, “dolmetechen”, semantics, semiotics, translation criticism, pragmatics and cognitive linguistics.

**Кирриш.** Бугунги кунда таржимашунослик тарихи, тадрижи, турлари ва моделлари хусусида кўплаб илмий тадқиқотлар яратилганки, бу каби изланишларни илмий-назарий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, уларга муносабат билдириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақоламизда айнан мана шу жиҳатларга эътибор қаратишни мақсад қилдик.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature Review).** Туркий адабиётда IX аср ўрталаридаёқ таржимачилик вужудга келган бўлиб, тўғри (тохар), тавғач (хитой), сўғд тилларидан асарлар таржима қилинган. Санскрит тилида яратилган Шарқ драматургиясининг машҳур асари “Майтри симит нўм битиг” (“Майтри билан учрашиш улуғ китоби”) [11] VIII-IX асрларда тўғри (тохар) тилидан туркий тилга таржима қилинган.

X асрда яшаган олим ва таржимон Сингку Сели Тутунг тавғач тилидан қадимги туркий тилга Кучу уйғур давлатида “Ци-инчун нўм битиг” номи билан таржима қилинган “Сюань-сзан кечмиши” асарини ўғирган. Асар тан сулоласи даврида яшаб ўтган сайёх Сюань-сзаннинг муқаддас сафари

ҳақидаги эсдаликлари бўлиб, ўзида ўнлаб афсона ва ривоятларни, Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий турмуши, улар яшаган ўлкаларнинг географияси, тарихига оид маълумотларни жамлаган. Тўқмоқ, Сайрам, Тошкент, Самарқанд, Қундуз, Балх, Шарқий Туркистон каби шаҳар ва вилоятларда бўлган сайёҳ бу халқларнинг VII асрдаги ишонч-этиқоди, турмуш тарзи, урф-одатлари, фольклори, этнографияси ва бошқа ўзини қизиқтирган нарсалар ҳақида анча кенг маълумот беради. VIII асрдан уйғур ёзувини қўллаш бошланган ва ушбу ёзувда қоғозга туширилган “Олтин ёруқ”, “Хон тангри” каби асарлар бизгача етиб келган. Буддавийликнинг махаяна мазҳаби қонунларидан иборат бўлган, IX аср охири – X аср бошларида Сингу Сели Тутунг таржима қилган “Олтин ёруқ”нинг эски уйғур ёзувидаги тўлиқроқ нусхасини рус олими С.Е. Малов Шарқий Туркистон Хансу ўлкасининг сарик уйғур (Юку) туманидан топиб, 1913-1914 йилларда В.В.Радлов билан биргаликда нашр этирган [11; 8-9].

X асрга қадар “таржима” сўзи фақат тарихий, фалсафий, адабий ва бадий асарлар ўтирмасига нисбатан қўлланиб келинган. Оғзаки таржимонга нисбатан эса туркий халқларда “тилмоч”, немис тилида “долметечен”, инглиз ва француз тилларида “интерпрет” атамалари ишлатилган. Таржима назарияси хусусида айтилган фикрлар ҳам шу йўсинда умумий маъно касб этган.

**Тадқиқот методологияси (Research methodology).** Таржима назариясига бағишланган дастлабки изланишлар XIX асрнинг 20-30 йилларидан пайдо бўла бошлади. Бу даврда нашр қилинган Ф.Р. Амос, Ж.П.Поссет, О.М. Финкел, М.П.Алексеев китобларида ва С.Сиддиқнинг “Адабиёт таржимаси санъати” (1936) рисоласида таржима назарияси фан сифатида эътироф этилган тезислари деярли учрамайди. Бу соҳада баҳс-мунозаралар 50-йиллардаги машҳур таржимон И.Кашкин ва тилшунос олим А.А.Реформацкийнинг таржима назарияси борасидаги мақолалари эълон қилингандан сўнг бошланиб кетди. Профессор А.А.Реформацкий “таржима амалиёти барча фанлар учун хизмат қилса-да, таржима назарияси мустақил фан бўла олмайди, балки тилшуносликнинг бир бўлимигина бўлиши мумкин”, деган ғояни илгари сурган эди. Шундан сўнг уларни маъқуллаган ва танқид қилган қатор тадқиқотлар, мақолалар чоп этилди. 1953 йил Халқаро таржимонлар уюшмаси (ФИТ) ташкил этилиб, 1955 йилда таржимонлар, интерпретаторлар ва терминологлар учун “Бейбл” (“Babel”)[14] номли журнал чоп этила бошланди. Кейинчалик жаҳон олимларининг таржима назарияси ва таржима танқиди муаммоларига бағишланган тадқиқотлари бирин-кетин нашр этилиб, олимларнинг илмий изланишлари раванқини белгилаб берди. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб жаҳон филология илмида таржимашунослик, деб ном олган мустақил фан шаклланди.

“Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ўтган йигирма икки йил давомида бадий ижоднинг барча соҳаларида бўлгани каби таржима назарияси ва амалиётида ҳам ўзгариш ва янгиланишлар рўй берди. Президентимиз ташаббуси билан таржима ва таржимашунослар минбари, “Жаҳон адабиёти” (1997) журнали ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлади. Атоқли адабиётшунос олим ва таржимон О.Шарафиддинов бошчилигида ушбу журналда дунё адабиётининг энг сара асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб босилди. Энг муҳими, журнал таҳририяти аслиятдан таржима амалиётига кенг йўл очиб берди. Айни пайтда “Жаҳон адабиёти” журналида таржима назарияси ва танқидига доир мазмунли мақола ҳамда суҳбатларнинг босилаётгани ижод ва илм аҳлига манзур бўлмоқда”[15].

Қўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари натижасида таржимашунослик соҳасида амалга оширилган бу каби ишлар бир қатор мутаржимлар фикр-мулоҳазаларининг юзага келишига сабаб бўлган. Баъзи мутаржимлар олиб борилган изланишларни юксак даражада баҳолаб, улардаги имкониятлар ҳақида сўз юритса, бошқа бир гуруҳ таржимашунослар таржимонларга қўйилган талаблар, улар олдида турган вазифалар, таржималарнинг муаммолари ва уларни бартараф этиш йўларини излаш лозимлигини таъкидлашади. Жумладан, Г.Ш.Рихсиева таржимондан нафақат тил билимдони, балки адабиётшунос ва элшунос бўлиш ҳам талаб этилади, чунки муайян халқнинг маданияти, ассоциатив тафаккурини чуқур билмай, тил бойлигини яхши эгалламай туриб таржимон бадий тил воситаларини тўғри танлай олмайди, тилнинг поэтик жиҳатларини ҳис этмай, оқибатда таржима тўғри ва таъсирчан чиқмайди [16], деган муносабат билдиради.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Таржимашунос Иброҳим Ғафуров “Ҳозирги замонда таржима амалиёти (таржима туридан қатъи назар) илмга асосланади. Албатта, ижод жараёнида интуициянинг ўз ўрни ҳамда салмоғи йўқ эмас. Илм таржиманинг тўлақонли ва ишончли чиқишига йўл очади. Таржимашунослик ва унинг таркибий қисмига айланиб бораётган, аммо ҳали ўзини тўла намоён қилиб улгурмаган таржима танқиди илм туридир. Бу илм тилшунослик, грамматика, стилистика, семантика, белгишунослик (семиотика) кабилар билан яқин алоқа боғлаб,

мустаҳкам ҳамкорлик қилади. Биз таржимашунослик ва таржима танқидидан ижодий амалиётга жонқуярларча ёрдам берувчи кўп фойдали ишларни кутамиз. Таржима амалиёти таржима танқиди, таржима илми, назарияси билан тенг ривожланиб борса, доим ҳамнафас одим отса, деб орзу қиламиз”, деган фикрларни билдирса, А.Абдуазизов “Замон талаби даражасидаги таржимонларни тайёрлаш учун нафақат таржима назарияси ва амалиёти бўйича мукаммал дарслик, шунингдек, бадий, илмий-техник, идора иш услубига мос ўқув қўлланмалари, икки, уч ва кўп тилли луғатлар яратиш талаб этилади. Ҳозирча чоп этилган инглизча-ўзбекча, немисча-ўзбекча, французча-ўзбекча луғатларнинг фойдали жиҳатларини камситмаган ҳолда айтиш жоизки, бу луғатлар ҳали таржимонларнинг талабини қониқтирмайди. Эндиликда катта изоҳли синонимик ва қомусий луғатлар керак, ҳатто таржима назарияси амалиётига доир изоҳли луғат тайёрлашни ҳам ўйлаш зарур. Негаки, таржима назарияси ва амалиёти билан боғлиқ кўпгина масалалар етарлича аниқ ҳал этилган эмас. Хусусан, таржимада сўзларнинг тартибини ўзгартириш ёки ўрнини алмаштириш, сўз қўшиш ёки тушириб қолдириш нима учун ва қай ҳолатда рўй бериши ва уларнинг барчасини умумий ном билан таржимада трансформация (лексик, грамматик ва стилистик) деб аталиши яхши ўрганилмаган. Таржиманинг қиёсий тилшунослик билан “эгизак”лиги маълум. Бироқ таржиманинг грамматик, лексик ва стилистик муаммоларини мустақил илмий тадқиқ этмасдан туриб, унинг прагматика, когнитив тилшунослик, психоллингвистика ва семиотика билан алоқаларини ўрганиб бўлмайди. Маъшур тилшунос, таржимашунос Роман Якобсоннинг ёзишича, бир тилдаги белгини бошқа тилдаги белги билан бера билишнинг уч тури мавжуд: биринчиси, таржима қилинаётган асар тилидаги белгини бошқа белги ёрдамида таржима қилиш ёки унга бошқа ном бериш; иккинчиси, семиотик белгиларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш; учинчиси, семиотик тизимлараро таржима: тил белгиларини мусиқа, рақс, кино, расм билан бера билиш [15], деб муносабат билдиради.

Ўзбекистонда таржимашунослик илмининг ривожиди Жуманиёз Шарипов, Нинел Владимирова, Файбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Қудрат Мусаев каби олимларнинг хизмати катта бўлди. Бугунги кунга келиб ўзбек таржима мактаби жаҳон таржимашунослик илмида тан олинди.

Маълумки, жаҳон таржимашунослиги тўртта изоҳловчи, тасвирловчи, тушунтирувчи ва тахмин қилувчи гипотезаларни қайта таржима қилиш ҳодисасига асосланиб, баён қилинади ва тасвирланади. Таржимашунослик назарияси яқин кунларда кенг тарқалди, лекин марказий диққат эътибор остига олинмади. Лингвистик ёки маданий жиҳатдан бир ёқлама ўрганиш ёндашувлари бир-бири билан кучли рақобатда бўлиб, таржимонларда турли хил қарашлар ва муаммолар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Кўпгина манбаларда таржимашунослик, асосан, иккита соҳа, прагматика ва когнитив лингвистика билан ўзаро яқин ва боғлиқ ҳолда эътироф қилинади [2]. Аммо бу тақлиф барча таржимашунослик муаммоларига ечим бўла оладиган прагматик “калит” вазифасини ўтай олмайди, хусусан, бир неча йил олдин Ернст-Аугуст Гутт бунга яқин ёндашувда фаолият олиб бориб, таржимани когнитив тилшунослик ёки когнитив психология доирасига киритишга уриниш бўлмаганлигининг муайян сабаблари мавжудлигини айтиб ўтган. Таржима бу кўпроқ эклектик, яъни кўп қиррали ва бир қисмдан иборат эмас, деган назарияни илгари сурган [2].

Замонавий таржимонлик илмида семиотик асос ва маданиятлараро хусусиятларни тадқиқ қилмаслик асар мазмун-моҳиятини тушуниш жараёнини қийинлаштириб юборади. Шунинг учун тасвирланган муҳим тушунчалар билан боғлиқ назарий фикрларни ривожлантириш мумкин. Бу ҳолат таржимонликни прагматик жараён сифатида қабул қилиш орқали бошланади. Бунда *прайма фейиши* (“prima facie”) – Latin expression meaning *at first sight or based on first impressio* [9], латин тилидан олинган бўлиб, биринчи тасаввур маъносини англатади) самара бериши назарда тутилади. Хусусан, бадий асар танқидчилари томонидан қўйилган талабларга кўра “таржимонлик нутқи амалиёти” да бир қанча фойдали томонлар борлиги тахмин қилинмоқда.

Таржимашунос олимлар таржимашуносликни характерли равишда матнни аниқ сўз ва иборалар билан таъминлашнинг аниқ тузилмаларини яратиш ва қолишга солиш йўлини излаш, деб билишади. Ушбу таржима фаолиятида сўзларни танлаш ва тушуниш жараёнларини ҳал қилувчи “таржима аралашуви”ни амалга ошириш назарда тутилади. Бу жараёнда янги луғат (таржима) кучга кириши учун тегишли лингвистик, матнли ва дунёвий билимларини йиғиш шаклида бўлади. Бу жараён когнитив тилшунослар томонидан нутқ маҳсули бўлган фикрни асослашга уруниш ёки “ортиқча юк ва қайта конфигурация” сифатида тавсифлашни хоҳлайди [1].

Таржиманинг “манбага асосланган / мақсадга йўналтирилган” ва “матндан олдинги/ матндан кейинги” жиҳатлари семантик маҳсулдорлиқнинг когнитивистик нуқтаи назари билан концептуал ёки рамзий маънога асосланган ҳолда боғланиши мумкин бўлган қарама-қаршилиқларни тақдим этади; маданий таъсирлар ҳам шунга ўхшаш тартибда фарқланиши мумкин. Бу эса когнитив тарзда

маданий ёндашувларнинг таржимонлик билан бирлашишига ёрдам беради. Бирлаштиришдан ташқари, турли тушунчаларда бу ёндашув тилдан фойдаланганимизда умумий маънода ижодий элементни аниқлаб беради. Бу замонавий тасвирийлик ва анъанавий содиқликдан кўра биринчи ва иккинчи тил ўртасидаги таржимоннинг аҳамиятини тан олади. Таржима тадқиқотида таржиманинг учта асосий модели қўлланилади:

Биринчиси, қиёсий модел бўлиб, у таржималарни манба матнлари билан ёки параллел (таржима қилинмаган) матнлар билан мослаштиради ва иккаласининг ўзаро боғлиқлигини текширади. Ушбу модел қарама-қарши қиёслаш тадқиқотларида яққол кўринади.

Иккинчиси, жараён модели, бу вақт ўтиши билан таржима жараёнининг турли босқичларини акс эттиради. Ушбу модел коммуникацион ёндашувлар, шунингдек, баъзи протокол ёндашувлари билан ифодаланади.

Учинчиси, ўзгарувчан модел бўлиб, бунда таржималар аввалги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ҳам, китобхон ёки тингловчи ва маданиятларга таъсир кўрсатадиган тарзда ҳам тавсифланади. Шунингдек, жаҳон таржимашунослигида тўртта изоҳловчи, тасвирловчи, тушунтирувчи ва тахмин қилувчи гипотезалар қайта таржима қилиш ҳодисасига асосланиб, баён қилинади ва тасвирланади. Фақатгина ўзгарувчи модел тўрт турга ҳам мос келиши ва бу таржимашуносликда келажақдаги динамик ривожланиш учун энг самарали модел ҳисобланиши мумкин.

Таржима типологиясининг бироз бошқача тури Жулиане Хаус томонидан таклиф қилинган бўлиб, улар қуйидагича:

а. Яширин таржималар – бу ўқувчиларга таржимонлар исми шарифининг маълум қилинмаслигидадир[6]. Бошқача қилиб айтганда, улар шу қадар табиий ва эркин таржима қилинадики, таржима қилинган матн аслига солиштирилганда унчалик фарқ сезилмайди. Бунга реклама, техник матнлар, газета матнлари мисол бўла олади.

б. Очiq таржималар – аниқ таржима бўлиб, улар манбалар маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Бунга сиёсий маърузалар, шеърлар, ваъзларнинг таржималари мисол бўла олади.

Яширин таржималар ҳам аслига қараганда матн жиҳатидан фарқ қилиб, таржима қилинган матнларда умумий хусусиятлар бўлиши мумкин.

Кристина Норд томонидан 1991 йилда таржиманинг ҳужжатли ва инструментал турлари аниқланиб, уларнинг ўзаро фарқланиши очиқ берилган:

а. Ҳужжатли таржима бошқа матннинг ҳужжати бўлиб, у яна бир матннинг очиқ таржимаси. Бу бошқа бир нутқнинг ҳисоботи сингари намоён бўлади ва ўзлаштира гап қабиридир.

б. Инструментал таржима эса ўз-ўзидан алоқа воситаси сифатида ишлайди, у асл матндан мустақил равишда ишлайди ва ўз хабарини қай даражада ифодалаганига қараб баҳоланади [4].

Демак, инструментал таржима бироз тўғридан-тўғри нутқга ўхшайди. Масалан, компьютер қўлланмасининг таржимаси шунга мисол бўлиб, унда ўқувчи компьютерни қандай ўрнатишни ва ундан қандай фойдаланишни тушунгани муҳим аҳамиятга эга, матннинг аслиятини максимал даражада аниқ ифодалаш шарт эмас.

Матн турлари таништирилганда типологик муаммо янада мураккаблашади. М.Реисигл таржима усули муайян матн турига, шунингдек, таржима мақсадига боғлиқлигини таъкидлаб ўтади ва матннинг тўртта асосий турини таклиф қилиб, уларнинг дастлабки учтаси жуда анъанавийлигини уқтиради:

1. Информацион матнлар – муайян воқеалар ёки ҳар қандай масалалар тўғрисида муҳим маълумотларни тақдим этишга мўлжалланган матнлар бўлиб, тарихий шахсларнинг таржиман ҳоллари айнан ман шу турга киритилади.

2. Экспрессив матнлар шахсий шарҳлар, шахсий эсселар ва блоглар сингари таъсирчан матнларни ўз ичига олади.

3. Оператив (яъни ишонтирувчи, кўрсатма берувчи) матнларга туристик брошюралар, реклама матнлари, сиёсий нутқларни киритиш мумкин.

4. Аудио-визуал (мулти-медиа) матнлардир. Дубляж ва субтитр аудио-визуал таржиманинг асосий турларидир [10].

Келтирилган матн турлари таснифлари билан таржима турлари таснифларига алоқадор кўшлаб “Инжил таржимаси”, “бадий таржима” ёки “шеърий таржимаси” каби терминологик ўхшашликлар мавжудки, улар ҳақиқатдан ҳам матн турларини, яъни таржима қилинаётган матн турини назарда тутгани боис, уларни фарқлай олишимиз ва аралаштириб юбормаслигимиз керак. Хайрулла Ҳамидов таржимашуносликнинг мустақил фан сифатида шаклланиши ва истиқболлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича билдириб ўтган:

“Сўнгги йигирма йил ичида Шарқ адабиётининг ўнлаб нодир намуналари ўзбек тилига таржима қилинди. Агар ўтган асрнинг 80-йилларигача бундай асарларнинг асосий қисми рус тили орқали ўтириб келинган, ўзбек халқи Шарқ адабиёти намуналари билан билвосита таржималар соясида танишган бўлса, 90-йиллардан бошлаб шарқ тилларидан бевосита таржимага кўпроқ эътибор берилди. Бу даврда ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилиш иши янги босқичга кўтарилди. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Шукрулло, Ўткир Ҳошимов ва бошқа адибларнинг асарлари турк, хитой, араб, корейс сингари шарқ тилларига таржима қилинди. Шунга қарамай, ўзбек тилидан шарқ тилларига ўтирилган асарлар салмоғи шарқ тилларидан қилинаётган таржималардан анча кам. Бунинг сабаби, назаримда, ўзбекча асарни чет тилига ўтирадиган маҳаллий мутахассисларнинг озлигидир. Агар буни биргина ўзбек ва турк тилларидан амалга оширилган таржималар мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бугунгача турк тилига ўтирилган ўзбек адиблари асарлари турк таржимонлари томонидан амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Буни бошқа тилларга қилинган таржималар мисолида ҳам айтиш мумкин. Галдаги вазифа ўзбек адабиёти дурдоналари орасидан танлаб олинган асарларни турк тилига истеъдодли ўзбек таржимонлари томонидан амалга оширилишига эришиш ва бу борада ҳамкорликни кучайтириш, кенг жамоатчилик иштирокида таржима асарлар тақдимотларини ўтказиб, оммавий-ахборот воситалари ёрдамида оммага маълум қилишдан иборат” [16].

Демак, келтирилган фикрларни умумлаштириб, таржимашунослик фани мустақил фан сифатида қуйидаги омиллар ёрдамида тараққий этган деган хулосага келиш мумкин:

–сўнгги йигирма йил ичида Шарқ адабиётининг ўнлаб нодир намуналари ўзбек тилига таржима қилинган;

–ўтган асрнинг 80-йилларигача асарларнинг асосий қисми рус тили орқали ўтириб келинган;

–ўзбек халқи Шарқ адабиёти намуналари билан билвосита таржималар соясида танишган;

–90-йиллардан бошлаб шарқ тилларидан бевосита таржимага эътибор кучайган;

–ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилиш иши янги босқичга кўтарилган.

Таржимашунослик алоҳида фан сифатида шаклланиши ва тараққиёт босқичларининг кенгайиши натижасида бошқа бир қатор фанлар билан узвийлик касб эта бошлади. Таржимашунослик фани бошқа тилдаги адабиётлар билан танишиш ва турли халқлар маданияти, турмуш-тарзи ва психологиясини ўрганишга кенг имкон яратди. Маълумки, адабиёт ёзувчининг ақлий фаолияти натижаси сифатида тушунилади ва олимлар айнан психология адабий қаҳрамонларнинг, шунингдек, ёзувчиларнинг ўзларини психологик таҳлил қилишда ёрдам бериши мумкинлигини таъкидлайди. Индивидуал ақлий ҳаракат санъатнинг барча психологик назарияларининг маркази сифатида тушунилади. Қаҳрамон яратувчи ёки идрок этувчи субъект сифатида қаралди, онда содир бўлаётган ақлий жараёнлар таҳлил ва диққат мавзусига айланади ва айнан аслият тилидаги асар қаҳрамони ва унинг руҳиятида юз бераётган ҳолатни бадий тасвир воситалари ёрдамида иккинчи тил вакили, яъни китобхонига ўзидек етказиб бериш таржимашунослик фанинг вазифасидир. XIX асрнинг 90 йилларидан бошлаб, адабиётнинг психологик мазмуни кўп қиррали ўрганиш мавзусига айланади, нафақат филология, балки бошқа фанлар айниқса, психологияга бўлган эътибор кучайди.

“Ёзувчи, аввало, ҳис-туйғуларини ишга солиб ўйлашга, сўнг лингвистик, яъни мос сўзларни танлаб, ижод қилишга киришади. Ёзувчининг индивидуал идроки эса унинг ўй-фикрлари, кашфиёти, кузатувлари натижасидир. Ўз навбатида, тип сифатида ёзувчининг шахсияти, хусусиятлари, кўникмалари, эътиқоди, муносабатлари, қадриятлари, хатти-ҳаракатлари, мослашувчанлиги ва темпераменти, ташқи кўриниши инобатга олинади, яъни уни бошқалар томонидан англашилиши ва уларга таъсири таҳлил қилинади ва одатда, бу тушунча Э.Спренгер талқини билан айтганда “scheme of understanding (тушуниш схемаси)” тарзида умумлаштирилади” [13].

“Адабиётшунослар адабиёт психологиясига турлича таърифларни келтиришади. Масалан, араб адабиёти профессори Сангиду “адабиёт психологияси инсон ҳаётининг баъзи воқеаларини уйдирма қаҳрамонлар ёки ҳатто фактик персонажлар томонидан ижро этилишини ўз ичига олган бадий асарларни кузатадиган фан сифатида таърифланади”, дея шарҳласа, Р.Уэллек ва О.Уорренлар тадқиқот субъектига кўра адабиёт психологияси турлича изоҳланиши мумкин, деб ҳисоблаб, қуйидагиларни санаб ўтишади:

1. Муаллиф психологиясини индивид сифатида ўрганадиган адабиёт психологияси. Ёзувчи шахс, уни хоҳиш-истак ва ҳиссиётларидан ажратиб бўлмайди. Ўз иштиёқи ва ҳиссиётларига асосланиб бадий асарлар яратиши мумкин.

2. Ижодий жараёни ўрганадиган адабиёт психологияси. Бунда ишнинг яхлит бадий асарга айланиш жараёни назарда тутилади.

3. Психология турлари ва принципларининг бадий асарда қўлланилишини ўрганадиган адабиёт психологияси. Психологик мавзулар ва ҳолатларнинг бадий асар қаҳрамонларида ишлатилишига эътибор қаратилади.

4. Бадий асарнинг ўқувчига таъсирини ўрганадиган адабиёт психологияси. Бадий асарнинг ўқувчи ҳаёти ва ўй-фикрларига таъсири инобатга олинади" [14].

#### Хулоса ва Таклифлар (Conclusion/ recommendations).

Умуман олганда, таржима ва таржимашунослик илми ўтган асрдан ривожлана бошлаган бўлса, у умумфилологик фан тарзида эътироф қилинди. Таржима назарияси ҳақида баҳс-мунозаралар узоқ давом этишига қарамай, лингвистик тамойиллар пешқадамлик қилди ва кейинчалик таржима асарларга бўлган талабнинг ортиши баробарида адабиётшунослик ва психология фанларида сезиларли ривожланиш намоён бўлди. Бу албатта муаллиф аслият тилида берган асар қаҳрамони ҳис-туйғуларини таржима тилидаги китобхон мутолаа қилаётган қандай идрок этишида кузатилади. Шундай экан, таржиманинг ўз ўрни сезилиб бораётган бир пайтда, у "коммуникатив восита" сифатида дунё халқлари ва цивилизациясида янада муҳим аҳамият касб этади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Arab World English Journal, Special Issue on Translation No.3, 2014. – 266 p.
2. A Cognitive-Pragmatic Model for Translation Studies Based on Relevance and Adaptation. Canadian Social Science Vol.5 No.1 February 2009.
3. Comparative study of a Writer's and Translator's Psychology in the English translation of "Kecha va Kunduz" // VI. Uluslararası Türklerin Dünyası Sosyal Bilimler Sempozyum. Moldova, 13-15 may, 2022.
4. Christiane Nord. Text Analysis in Translation. Theory, Method, and Didactic Application of a Model for Translation-Oriented Text Analysis. Translated from the German by Christiane Nord and Penelope Sparrow. Amsterdam/Atlanta GA, Rodopi, 1991, 250 p. ISBN: 90-5183-311-3.
5. Gutt. E. A. Translation and Relevance: Cognition and Context. Oxford: Basil Blackwell. Manchester: St. Jerome, 1991.
6. Juliane House-Translation as Communication across Languages and Cultures-Routledge (2015)
7. Kasimova R.R., Ziyadullayev A.R., Ziyadullayeva A.A. The Nature of the Culture Bound Words and Problems of Translation // International Scientific Journal Theoretical and applied science, MA.USA. – Published: 31.03.2021. – P. 401-405.
8. Ochilov E., Xodjayeva N. Tarjima nazariyasi (O'quv qo'llanma). – Toshkent, 2020. – B. 8-9.
9. Reamer, Frederic G. (November 2014). "Prima Facie and Actual Moral Duties in Social Work". Social Work Today.
10. Reisigl, M. Rhetoric of Political Speeches. In R. Wodak and V. Koller (Eds), Handbook of Communication in Public Sphere (pp. 243–269). Berlin/New York: Mouton de Gruyter, 2008. Collombat, Isabelle. «Skopos Theory as an Extension of Rhetoric». Poroi 13, Iss. 1 (2017): Article 3. <https://doi.org/10.13008/2151-2957.1236>
11. The Nature of the Culture Bound Words and Problems of Translation. - International Scientific Journal Theoretical and applied science, MA.USA. – Published: 31.03.2021. – P. 401-405.
12. The Distinctive Writing Style of Arthur Conan Doyle // International Journal on Integrated Education. Volume 5, Issue 4, Apr 2022. - P. 197-201.
13. Касимова Р.Р. Адабиёт психологияси // Сўз санъати халқаро журнали 4 жилд, 4-сон Б.59.
14. Касимова Р.Р. Психология, адабиётшунослик ва таржимашунослик узвийлиги // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2021. – №1/6/2. – Б.248-251.
15. <https://benjamins.com/catalog/babel>
16. <https://ziyouz.uz/suhbatlar/tarjima-nazariyasi-va-tanqidi-muammolari-davra-suhbati>
17. The Expression Of A Social National Word Within The English Interpretation Of The Work Of Tahir Malik" Devildom"
18. Kadirova, N. A Similarities in Addressing the Complex Nature of Love and Devotion in Metamorphosis by Kafka and in ghazals of Mir Alisher Navoiy. LJITEE ISSN: 2278-3075, Volume 8, Issue 9S3, July 2019. P-1542-1545.
19. Ruzimurodova Zarifa. (2022). In english lessons, methods for improving speaking skills. Yosh Tadqiqotchi Jurnal, 1(2), 245–250. Retrieved from <http://2ndsum.uz/index.php/yt/article/view/101>

20. Kadirova Senior Teacher, Nargiza. "Poetic functions of the transformation motif in written literature" *Philology Matters* 2020.2 (2020): 17-31.

21. G'afurovna, R. Z. ., & qizi, M. N. K. . (2022). *In english lessons, methods for improving speaking skills. Ijtimoiy fanlarda innovatsiya onlayn ilmiy jurnali*, 29–33. Retrieved from <http://www.sciencebox.uz/index.php/jis/article/view/1485>

22. Jasur Laziz ugli Latipov, Jahongir Yunus ugli Ergashev, & Muzaffar Muradovich Raximov. (2021). *The Influence of Turkic Khaghanate Rule on the Political Life of the Khitan Tribes. Central Asian journal of social sciences and history*, 2(3), 81-90. Retrieved from <https://cajssh.centralasianstudies.org/index.php/CAJSSH/article/view/86>

23. R.Z. Gafurovna, *Detective genre and its peculiarities. International Engineering Journal For Research & Development*, 2021, [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=ifolPZsAAAAJ&citation\\_for\\_view=ifolPZsAAAAJ:u-x6o8ySG0sC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=ifolPZsAAAAJ&citation_for_view=ifolPZsAAAAJ:u-x6o8ySG0sC)